

Мижозни идентификациялаш			
ИСМИ	ТУФИЛГАН САНАСИ	ШАХСИЙ РАҚАМӢ	
МАНЗИЛИ	ШАҲРИ	ШТАТИ	ПОЧТА ИНДЕКСИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМӢ (ХУДУДИЙ КОД БИЛАН)	ҚЎШИМЧА МАҶЛУМОТЛАР		



Розилик Consent

Мижозларга эълон: Ижтимоий ва соғлиқни сақлаш хизматлари департаменти (DSHS) сиз ва оиласангизни танийдиган бошқа ташкилотлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қила олса, сизга янада самаралироқ ёрдам кўрсатиши мумкин. Ушбу шаклни имзолаш орқали сиз DSHS ҳамда қўйида келтирилган ташкилот ва шахсларга сиз ҳақингиздаги маҳфий маҷлумотлардан фойдаланиш ва уларни ошкор қилиш учун рухсат берасиз. Агар розилигингиз сизнинг мувофиқлигингизни аниқлаш учун зарур бўлмаса, DSHS сизга ушбу шаклни имзоламаганингиз учун имтиёзларни рад эта олмайди. Агар ушбу шаклни имзоламасангиз, DSHS сизга оид маҷлумотларни қонун доирасида бариб ошкор қилиши мумкин. Агар DSHS мижозларнинг маҳфий маҷлумотлардан қандай фойдаланиши ёки маҳфийлик ҳуқуқларингиз ҳақида саволларингиз бўлса, илтимос, DSHS Маҳфийлик амалиёти тўғрисидаги билдиришномани кўриб чиқинг ёки ушбу шаклни сизга берган шахсдан сўранг.

Розилик

- Мен DSHS доирасида ўзим ҳақимдаги маҳфий маҷлумотлардан хизматлар, даволаниш, тўловлар ва имтиёзларни режалаштириш, кўрсатиш ва мувофиқлаштириш учун ёки қонун билан рухсат этилган бошқа мақсадларда фойдаланишга розилик бераман. Шунингдек, мен DSHS ва қўйида санаб ўтилган ташкилотлар, хизмат кўрсатувчи шахсларга маҳфий маҷлумотларимдан фойдаланиш ва уларни мазкур мақсадлар учун ўзаро алмашиб ҳуқуқини бераман. Маҷлумотлар оғзаки ёки электрон тарзда, почта орқали ёки шахсан топширилиши мумкин.

Ошкор қилиш сабаби: **Бу маҷлумот DSHS гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар ёки руҳий саломатлик ёзувларини ошкор қилишдан олдин талаб қилинади. Агар сиз ушбу майдонни тўлдирмасангиз, DSHS ошкор қилиш сабабини сизнинг сўровингиз асосида деб қайд этади.**

DSHS билан бирга ушбу розиликка киритилган барча шахсларни қўйида белгиланг ва уларнинг исми ҳамда манзилини кўрсатинг:

- Соғлиқни сақлаш хизмати кўрсатувчилар: _____
- Руҳий саломатлик хизмати кўрсатувчилар: _____
- Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш бузилиши бўйича хизмат кўрсатувчилар: _____
- Бошқа DSHS шартномали хизмат кўрсатувчилар: _____
- Уй-жой дастурлари: _____
- Мактаб туманлари ёки коллежлар: _____
- Жазони ижро этиш департаменти: _____
- Бандлик ҳавфсизлиги департаменти ва унинг бандлик бўйича ҳамкорлари: _____
- Ижтимоий таъминот бошқармаси ёки бошқа федерал агентликлар: _____
- Илова қилинган рўйхатга қаранг
- Бошқа: _____

- Ошкор қилиш сабаби: Ғамхўрлик давомийлиги Ҳуқуқий Шахсий Бошқа:

- Мен қўйидаги ёзувлар ва маҷлумотларни ошкор қилишга рухсат бераман ва розилик билдираман (тегишиларини белгиланг):

- Барча мижоз ёзувларим Илова қилинган рўйхатдаги ёзувлар
- Фақат қўйидаги ёзувлар
 - Оилавий, ижтимоий ва меҳнат фаолияти тарихи
 - Даволаш ёки парвариш режалари
 - Тўлов ёзувлари
 - Шахсий баҳолашлар
 - Мактаб, таълим ва ўқитиш
 - Руҳий саломатлик ҳақидаги маҷлумотлар (аниқлаштиринг):
 - Соғлиқни сақлаш маҷлумотлари (аниқлаштиринг):
 - Бошқа (рўйхат):

Мижозни идентификациялаш		
ИСМИ	ТУФИЛГАН САНАСИ	ШАХСИЙ РАҚАМӢ
Илтимос, эътибор беринг: Агар мижоз ёзувларнгиз қўйидаги маълумотлардан бирини ўз ичига олса, ушбу ёзувларни киритиш учун ушбу бўлимни ҳам тўлдиришингиз шарт.		
Қўйидаги ёзувларни ошкор қилишга рухсат бераман (тегишиларини белгиланг): <input type="checkbox"/> Руҳий саломатлик <input type="checkbox"/> ОИВ/ОИТС ва ЖТАК тест натижалари, ташхис ёки даволаш <input type="checkbox"/> Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш бузилиши		
<ul style="list-style-type: none"> Ушбу розилик бир йил давомида ёки <input type="checkbox"/> гача _____ (сана ёки ҳодиса) амал қиласди. Мен ушбу розиликни исталган вақтда ёзма равишида бекор қилишим ёки қайтариб олишим мумкин, лекин бу аллақачон ошкор қилилган маълумотларга таъсир кўрсатмайди. Ушбу розилик асосида ошкор қилилган ёзувлар энди DSHS га татбиқ этиладиган қонунлар бўйича ҳимояланмаслиги мумкинлигини тушунаман. Ушбу шаклнинг нусхаси ёзувларни ошкор қилишга рухсат бериш учун ҳақиқий ҳисобланади. 		
МЕНИНГ ИМЗОИМ	САНА	
ГУВОҲ / НОТАРИУС ИМЗОСИ ЗАРУР ҲОЛЛАРДА	ГУВОҲ / НОТАРИУС ИСМИ-ШАРИФИ (БОСМА ҲАРФЛАРДА)	САНА
ОТА-ОНА ЁКИ БОШҚА ВАКИЛНИНГ ИМЗОСИ (ЗАРУР ҲОЛЛАРДА)	ТЕЛЕФОН РАҚАМӢ (ХУДУДИЙ КОД БИЛАН)	САНА
Агар мен ёзувлар эгаси бўлмасам, қўйидаги ваколат эгаси сифатида имзолашга ваколатим бор: (ваколатни тасдиқловчи ҳужжатни илова қилинг)		
<input type="checkbox"/> Ота-она <input type="checkbox"/> Қонуний васий (суд қарорини илова қилинг) <input type="checkbox"/> Шахсий вакил <input type="checkbox"/> Бошқа:		

Маълумот олувларга эслатма: Агар ушбу ёзувларда ОИВ, ЖЁИК ёки ОИТС ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлса, мижознинг махсус рухсатисиз бу маълумотларни кейинчалик ошкор қилишингиз мумкин эмас. Агар сиз мижознинг гиёҳванд модда ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилиши билан боғлиқ маълумотларни олган бўлсангиз, 42 CFR 2.32 талабига кўра, маълумотларни кейинчалик ошкор қилишда қўйидаги баёнотни киритишишингиз шарт:

Ушбу маълумотлар Федерал махфийлик қоидалари (42 CFR 2-қисм) билан ҳимояланган ёзувлардан сизга ошкор қилинган. Федерал қоидалар бу маълумотни тегиши шахснинг ёзма розилиги билан ёки 42 CFR 2-қисмда рухсат этилган ҳоллардан ташқари, сизга бошқа тарзда ошкор қилишни таъқиқлайди. Бу мақсад учун тиббий ёки бошқа маълумотларни ошкор қилишга умумий рухсат ЕТАРЛИ ЭМАС. Федерал қоидалар алкоголь ёки гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилувчи ҳар қандай беморни жиноий тергов қилиш ёки унга нисбатан жиноий иш қўзғатиш учун бу маълумотдан фойдаланишни чеклайди.

Розилик шаклларини тұлдериш бүйіча йүриқнама, DSHS 14-012

Құлланилиши: Бу шаклдан мижоз ҳақидаги мағфий маълумотларни DSHS доирасыда доимий равища фойдаланиш ёки ошкор қилиш ёхуд ушбу маълумотларни хизматларни мувофиқлаштириш, даволаш, тұлов ёки агентлик фаолияти учун ёки қонунда белгиланған бошқа мақсадларда бошқа ташкилотларга ошкор қилиш учун розилик керак бўлганда фойдаланинг.

Ушбу шаклни иложи борича электрон тарзда тұлдеришинг. **Сиз ҳар бир шахс, жумладан болалар учун алоҳида шакл тұлдеришингиз керак.**

Шаклнинг қисмлари:

ИДЕНТИФИКАЦИЯ:

- Исм:** Ҳар бир шаклда фақат битта мижознинг исмини кўрсатинг. Мижоз хизматлардан фойдаланишда ишлатган ҳар қандай аввалги исмларини ҳам киритинг.
- Түғилган сана:** Мижозни ўхшаш исмли шахслардан фарқлаш учун зарур.
- Идентификация рақами:** Ёзувларни аниқлаш ва олинган хизматлар тарихини кузатишда ёрдам бериш учун мижознинг идентификация рақамини ёки ижтимоий таъминот рақами каби бошқа идентификаторни кўрсатинг (мажбурий эмас).
- Бошқа:** Ушбу катакка хизматлар билан боғлиқ DSHS бўлимлари, оила аъзоларининг исмлари ёки бошқа тегишли маълумотлар сингари ёзувларни топишга ёрдам берувчи қўшимчча маълумотларни киритинг.

РОЗИЛИК (РУХСАТ):

- Ошкор қилиш сабаби:** Бу маълумот DSHS гиёхванд моддалар ва спиртли ичимликлар ёки руҳий саломатлик ёзувларини ошкор қилишдан олдин талаб қилинади. Агар сиз ушбу майдонни тұлдирмасангиз, DSHS ошкор қилиш сабабини сизнинг сўровингиз асосида деб қайд этади.
- Ёзувларни алмашувчи идоралар ёки шахслар:** Бу тұлдирилган шакл қуидагиларга имкон беради: (1) DSHS ичидә ва рўйхатда кўрсатилган ташкилотлар ёки шахслар билан мағфий маълумотлардан фойдаланиш ва уларни ошкор қилиш; (2) рўйхатда кўрсатилган ташқи ташкилотлар ёки шахслар томонидан DSHSга мағфий маълумотларни ошкор қилиш. Шунингдек, сиз маълумотларни ошкор қилишга рухсат берилган ташкилотлар рўйхатини илова қилишингиз мумкин, буну мижоз ҳам имзолаши керак.
- Қамраб олинган маълумотлар:** Мижозлар розилик билан қайси ёзувлар қамраб олиншини кўрсатишилари шарт. Мижозлар барча ёзувларни тақдим этишлари ёки киритилган ёзувларни сана, тури ёки манбаси бўйича чеклашлари мумкин. Агар мижоз розиликни имзоламаса ёки маълум бир ёзувни белгиламаса, қонунда рухсат этилган бўлса, бу ёзувни бариб ошкор қилиш мумкин бўлади. Сиз мижоз имзолаши керак бўлган қамраб олинган ёзувлар рўйхатини илова қилишингиз мумкин. Агар ёзувларда руҳий саломатлик (RCW 71.05.620), ОИВ/ОИТС ёки ЖЕЮК текшируви ёки даволаниши (RCW 70.02.220), ёки гиёхвандлик ва алкоголь хизматларига (42 CFR 2.31(a)(5)) оид маълумотлар мавжуд бўлса, мижоз бу ёзувларни ошкор қилишга рухсат бериш учун ушбу соҳаларни алоҳида белгилashi шарт. Ушбу шакл 45 CFR 164.508(b)(3)(ii) бўйича психотерапия ёзувларини киритиш учун яроқти эмас; бундай ёзувларни киритиш учун алоҳида шакл тұлдирилиши керак.
- Амал қилиш муддати:** Агар бир йилдан фарқ қилса, розилик учун амал қилиш муддатини киритинг. Бошқа сана кўрсатилмаса, розилик бир йилдан сўнг ўз кучини йўқотади.
- Тушуниш:** Мижознинг қандай рухсат берилаётганини ва маълумотлар қандай ҳамда нима учун ошкор қилилишини тушунишига ишонч ҳосил қилинг. Зарур бўлса, таржима қилинган шакл ва таржимондан фойдаланинг ёки шаклни овоз чиқариб ўқиб беринг. Агар мижозга қўшимчча маълумот керак бўлса, DSHS Мағфийлик амалиёти эслатмасининг қўшимчча нусхасини тақдим этинг ёки мижозни бўлинмангизнинг оммавий ахборотни ошкор қилиш бўйича масъул ходимига йўналтиришинг.

ИМЗОЛАР:

- Мижоз:** Мижоз ёки тегишли ёшга етган бола (руҳий саломатлик ҳамда гиёхвандлик ва алкоголь хизматлари учун 13 ёш; ОИВ/ОИТС ва бошқа ЖЕЮК учун 14 ёш; туғилишини назорат қилиш ва абортлар учун ҳар қандай ёш; соғлиқни сақлаш ва бошқа ёзувлар учун 18 ёш) ушбу катакчага имзо қўйилган санани киритиши лозим. Мижоз ушбу катакчага сиз гувоҳ бўлган белгини қўйиши мумкин.
- Гувоҳ ёки нотариус:** Агар мижоз ушбу шаклни шахсан топширмаса ёки дастур тасдиқлашни сўраса, мижознинг шахсини тасдиқлаш учун гувоҳ ёки нотариус талаб қилиниши мумкин. Бу шахс ўз имзосини қўйиб, исмини ёзиши лозим.
- Ота-она ёки бошқа вакил:** Агар мижоз розилик ёшига етмаган бола бўлса, ота-она ёки васий имзолаши шарт. Агар бола барча маълумотларни ошлор қилиш учун розилик ёшига етмаган бўлса, ҳам бола, ҳам ота-она имзолаши керак. Агар мижоз қонунан мумалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, суд томонидан тайинланган васий имзолаши ва тайинлаш тўғрисидаги қарор нусхасини тақдим этиши шарт. Агар кимdir бошқа ваколатда имзолаётган бўлса (жумладан, ишончнома асосида ҳаракат қилувчи шахс ёки мерос бошқарувчиси), "бошқа" деб белгиланг ва қонуний ваколат нусхасини олинг. Имзоловчи шахс имзо қўйилган санани ва телефон рақамини ёки боғланиш маълумотларини кўрсатиши керак.